

«Фаластин халқи БМТ резолюцияларида белгиланганидек, мустақил давлат барпо этиш ҳуқуқига эга» — Мирзиёев



13:57 / 03.11.2023 1581

Ўзбекистон президенти Шавкат Мирзиёев Остона шаҳрида бўлиб ўтаётган Туркий давлатлар ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисида нутқ сўзлади.

Унда Ўзбекистон президенти жаҳон миқёсида ишонч инқирози авж олаётганини таъкидлаб, Исроил-Фаластин можаросининг ечими икки халқ учун икки давлат бўлишида эканини қайд этди.

Ўзбекистон президенти Шавкат Мирзиёев Туркий давлатлар ташкилоти саммитидаги нутқида яна бир бор Яқин Шарқдаги можарони тинч йўл билан ҳал қилишга чақирди.

«Барчамиз гувоҳ бўляпмиз, бугунги кунда жаҳон миқёсида ишонч инқироzi тобора авж олмоқда. Глобал хавфсизликни таъминлашда янги муаммолар юзага келмоқда ва халқаро ҳуқуқ меъёрларидан чекиниш ҳолатлари кучаймоқда.

Айниқса, Яқин Шарқда узоқ вақтдан буён давом этаётган Фаластин-Исроил муаммосининг ниҳоятда хавфли тус олгани барчамизни жиддий хавотирга солмоқда. Қуролли тўқнашувда тинч аҳоли, айниқса, кексалар, аёллар ва болалар орасида қурбонлар ва жароҳат олганлар сони кескин ортиб, низонинг кенг ёйилиб кетиш хавфи кучаймоқда.

Шу муносабат билан томонларни зудлик билан ҳарбий ҳаракатларга барҳам бериб, ўт очишни тўхтатишга, гуманитар мақсадларда муросага келишга чақирамиз.

Мазкур муаммонинг ягона ва энг адолатли ечими – низони «икки халқ учун икки давлат» тамойили асосида ҳал этишдир.

Фаластин халқи Бирлашган Миллатлар Ташкилоти резолюцияларида белгиланганидек, мустақил давлат барпо этиш ҳуқуқига эга. Биз Ташкилотимиз доирасида бу борадаги яқдил ва қатъий позициямизни бутун дунёга эълон қилишимиз зарур», дея таъкидлади Шавкат Мирзиёев.